



**Тошкент тиббиёт академияси ректорат кенгаши (он-лайн)  
йиғилишининг  
3-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«19» январ 2021 йил

**Раислик қилувчи:** А.Қ.Шадманов

Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

**Қатнашдилар:**

Тошкент тиббиёт  
академиясининг ректорат  
кенгаши аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ҳарбий тиббий йўналишдаги ислохотларни амалга оширишда факултет фаолияти самарадорлиги  
**Маърузачи** – Ҳарбий факултет бошлиғи Обиджон Самадович Ахмедов
2. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

## Қ А Р О Р И

1. Кун тартибининг биринчи масаласи “Ҳарбий тиббий йуналишдаги ислохотларни амалга оширишда факултет фаолияти самарадорлиги” бўйича ТТА ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С.Ахмедовнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

1.1. Тошкент тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ҳамда Қуролли Кучлар ҳарбий тиббиёт академияси билан ҳамкорликда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилсин, шунингдек, долзарб илмий изланишларни жадаллаштириш, илмий унвонга сазоворларни қўллаб-қуватлаш, малака ошириш ишларини такомиллаштириш шулар жумласидандир деб таъкидлаб ўтилсин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги №ПҚ-4870 сонли “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”нинг тегишли бандларида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги фаолият ташкиллаштирилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С.Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 августгача**

1.2. Ҳарбий врачлар тайёрлашдаги курсларда ўтадиган фанлар сонини мувофиқлаштириш бўйича ишлар олиб борилиши ҳамда ишлаб чиқилган дастурлар қайта кўриб чиқилиши таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 августгача**

1.3. Ҳарбий ўқув курслар учун машғулот жадваллари Мудофаа вазирлигининг талабларига биноан ишлаб чиқилиши йўлга қўйилсин, шунингдек ўқув йили календар жадвалига ўқув режага асосан тегишли кўшимчалар киритилиши таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 августгача**

1.4. Профессор-ўқитувчиларнинг таркиби ўқув йили учун ишлаб чиқилган шахсий иш режаси услубий ишларга оид бўлими Мудофаа вазирлигининг талабларига биноан қайта ишлаб чиқилиши таъминлансин, шу жумладан кафедраларда услубий ишлар режаси батафсил ёритилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 августгача**

1.5.Ўқув машғулотлари устидан назорат натижалари кафедралар йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама этилиши, камчиликларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиниши ва ижроси таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 августгача**

1.6.Қуролли Кучлар ҳарбий тиббиёт академияси курсантлари ва тингловчилари (интернлар, клиник ординаторлар ва магистрантлар) учун ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар режага биноан белгиланган муддатда турдош кафедралар (жарроҳлик, ички касалликлар, эпидемиология, гигиена, жамоат саломатлигини сақлаш) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 августгача**

1.7.Республика олий тиббий таълим муассасалари талабалари ўртасида “5510800-Ҳарбий тиббиёт” таълим йўналишига ўқишга жалб этиш бўйича касбга йўналтирилган ишларни олиб борилиши таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 ўқув йили давомида**

1.8.Курсантларнинг якуний давлат аттестациясини такомиллаштириш мақсадида клиник фанлар аттестация дастурига ҳарбий (клиник) фанлардан ҳам саволлар киритилиши таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 йил 25 майгача**

1.9.Курсантларнинг билим сифатини янада ошириш ва назоратини кучайтириш мақсадида ҳар бир клиник фанлардан ОСКЭ учун саволлар тайёрланиши ва амалиётда қўлланиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Харбий-тиббиёт факултети бошлиғи О.С. Ахмедов**

**Муддат: 2021 ўқув йили давомида**

2. Турди масалалар бўйича ректор А.Қ.Шадмановнинг “Тошкент тиббиёт академиясида тиббий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” бўйича маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва тегишли таклифлар киритилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов,  
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова**

**Муддат: 2021 йил 19 январ**

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ректорат Кенгаши ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси  
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

ТТА Ўқув ишлари бўйича  
проректор



Ш.А.Боймуратов

ТТА Ўлмий ва инновацион ишлар  
бўйича проректор



Ф.Л.Азизова

ТТА Ёшлар ва иқтидорли талабалар  
билан ишлаш бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

ТТА Даволаш ишлари бўйича  
проректор



М.Ш.Каримов

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи



Ш.Ш.Массавиров

Ҳуқуқшунос

А.А.Алимов